



## МАФКУРАВИЙ ДАВР ВА ДИНИЙ-МИФОЛОГИК МОТИВЛАР

Гулноза Эрназарова

ҚаршиДУ филология фанлари доктори.

Гулчехра Имомова

ҚаршиДУ филология фанлари доктори.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17379448>

**Аннотация:** Мазкур мақолада Фитратнинг “Қиёмат” ҳикояси яқин вақтларгача даҳрийлик ғояларини олға сурувчи асар сифатида бирёқлама баҳоланиб келинганлиги, ушбу ҳикоя бадий синтез ҳодисасига асосланганлиги, унда ижодкорни ларзага солган мудҳиш тарихий воқеалар рамзий ишоралар орқали ифодаланганлиги таҳлилларда кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** синтез, анализ, тасаввуф, ғоя, пафос, Почамир, атеист, рамзий, ҳикоя, мотив, мафкура, қиёмат, руҳият.

**Annotation:** In this article, it is shown in the analysis that until recently Fitrat's story "Qiyamat" was evaluated unilaterally as a work promoting the ideas of Dahrism.

Key words: synthesis, analysis, mysticism, idea, pathos, atheist, symbolic, story, motive, ideology, apocalypse, spirituality.

XX асрнинг 20-йиллари халқ онгини ўзгартириш, кишилар онгидаги диний “сарқит”ларни тозалаш ва худосизлар жамиятини барпо этиш йўлидаги шафқатсиз кураш олиб бориш сиёсати билан тарих саҳифаларини қонли доғлар билан “безаганлиги” ҳеч кимга сир эмас. Ана шу сиёсатнинг таъсири туфайли бўлса керак, Фитратнинг “Қиёмат” ҳикояси яқин вақтларгача даҳрийлик ғояларини олға сурувчи асар сифатида бирёқлама баҳоланиб келинди. Бироқ ҳеч ким ушбу ҳикоянинг синтез ҳодисасига асосланганлиги, унда ижодкорни ларзага солган мудҳиш тарихий воқеалар рамзий ишоралар орқали ифодаланганлиги ҳақида асосли фикрлар билдира олмади. Ҳолбуки, ушбу ҳикоя ҳақида XX асрнинг 60 - йилларидан кейин жуда кўплаб мақола ҳамда тадқиқотлар амалга оширилди.<sup>1</sup>

Тўғри, ушбу тадқиқот ва мақолаларда ҳикоя батафсил таҳлил қилинган. Лекин уларнинг барчасида диний тасаввуфни ҳажв этиш, ижтимоий тенгсизлик, адолатсизликни қоралаш ғояси етакчи ўрин олган. Бирорта ҳам тадқиқотчи ҳикоянинг бадий синтез асосига қурилганлиги, унда примат (хукмрон) ғоя нимадан иборат ва бу ғоя қандай рамзий ишоралар орқали ифодаланганлиги ҳақида лом - мим демайди.

Л. Климович ҳикоя ҳақида фикр юритиб, асар ислом динининг жаннат ва дўзах ҳақидаги қарашларини шафқатсиз танқид қилишга бағишланганлигини, унда ўзбек зиёлилари онгида рўй берган ўзгаришлар акс этганлигини ифтихор билан қайд этади.<sup>2</sup> Ҳақиқатан ҳам, ҳикоя ғояси олим айтганидек, атеистик руҳни акс эттирармикан?

<sup>1</sup> Климович Л. “День страшного суда” А. Фитрата// Наследство и современность. – Москва: Советский писатель, 1971. –124-136 с; Владимирова Н. Развитие жанра рассказа в узбекской литературе: Автореф. дисс.д-ра фил.наук. – Тошкент: 1980. – 38 с; Раҳимова Г. Фитратнинг “Шайтоннинг тангрига исёни” асари хусусида // Адабий мерос, 1990. 4-сон, –33 -35 б.; Раҳимова Г. Диний тасаввурулар бадий тасвирда (Фитратнинг “Қиёмат” ҳикояси асосида) // Адабий мерос. – 1991. 1-сон, – 55-60 б

<sup>2</sup> Климович Л. “День страшного суда” А. Фитрата// Наследство и современность. – Москва: Советский писатель, 1971. – 124-125 с.

Ҳикоя ҳақида яхшигина тадқиқот олиб борган ўзбек адабиётшуноси Г. Раҳимова эса юқорида эслатиб ўтилган мақоласининг охирида биз учун ниҳоятда қимматли бўлган бир нечта фикрга ишора қилиб ўтадики, бу фикрлар эндигина амалга ошмоқда. У шундай ёзади: “Эҳтимол, адиб зоҳиран ”дахрий“ воситалар орқали ботинан бутунлай бошқа ғоядаги дурдоналар майдонга келтиргандир. Балки уларда муаллиф умрининг сўнгги йилларидаги айтолмай кетган фикр-мулоҳазалари мужассамланиб яширингандир”<sup>3</sup>. Ҳикоянинг рамзий мазмунига чуқурроқ кириб борилса, Г. Раҳимованинг шубҳаларида жон борлиги аниқ билиниб қолади. Чунки асарда хасталаниб ётган кўкнори Рўзикул (Почамир)нинг туши воситасида реал ҳаёт билан у дунё ва ундаги жаннат, дўзах ҳақидаги тасаввурлари синтез қилиб юборилган. Бунинг сабаби эса ҳукмрон қонхўр тузум мафкураси билан Туркистон халқлари учун “қиёмат”га айланиб қолган реал воқелик ўртасидаги зиддият фақат рамзий ишоралар орқалигина акс эттириши мумкин эди, холос.

Минг йиллар мобайнида халқ онгида мустаҳкамланиб қолган диний тасаввурларни шафқатсиз йўқ қилишга бел боғлаган мафкура атеистик сиёсатни ҳаддан зиёд ғайрат билан амалга оширишга киришади. Бу сиёсатнинг кучи шу даражада даҳшатли тус оладики, маҳаллий халқ вакиллари, айниқса, зиёлилар ботинан Аллоҳдан минг марталаб кечиримлар сўрагани ҳолда зоҳиран ўзларини “дахрий” деб жар солишга мажбур эдилар.

Шундай бир пайтда Фитратдек мадраса таълимини кўрган, Бухоройи шарифдек ислом марказида туғилиб ўсган етук инсон, мусулмон олами муқаддас деб билган диний қараш ҳамда тушунчаларни ўз ҳикоясидагидек даражада масхаралашга бормаса керак. Аммо ҳикоя ёзилган ва унинг қаҳрамони Рўзикул кўкнори у дунёдаги барча тадбирларда шаккоклик қилиб, ўз сўзини ўтказиб юрибди. Бунга нима дейиш керак?

Бизнингча, бу нарса мафкура ва синтезнинг бош талабларидан бири. Бундай синтезда ҳукмрон сиёсат талабларига жавоб берадиган барча жиҳат ва масалалар ёрқин бўртиб туради. Ижодкорнинг нигоҳи, ғоявий позицияси эса рамзий ишоралар ортига яширинган ҳолда ифодаланади. А. Фитрат зўравонлик ҳукмрон бўлган жамият, унинг тартиботлари устидан кулиш, абадий қадриятларнинг топталиши, миллий урф-одатларнинг ерга урилиши устидан заҳарханда қилиш мақсадида “қиёмат” ҳақидаги диний мифологияни тасвир объекти сифатида танлаб олади. Бунда қиёмат Октябрь тўнтарилишига ишора бўлса, сўнгги пайтларда Туркистондаги очарчиликларда халқнинг озиқ - овқат учун навбатда туриши, қиёмат куни ягона тарозини кутиб “очират” туришига ишора қилиб олинган. Кишиларнинг қип-яланғоч ҳолати эса ўриснинг ҳаммомига ўхшатилса, Мункар-Накирларнинг сўроқ қилишга ҳуқуқлари борлигини тасдиқловчи ”мандат”нинг эслатилиши ҳам реал воқеликда рўй бераётган алғов-далғовларга қиёсланган.

Муҳими шундаки, Фитрат революциянинг кўплаб қон тўкилишига, халқни сарсон-саргардон қилишга олиб келишини оқлай олмаган. Унинг барчанинг савоб ва гуноҳларини тортиш учун атиги битта тарози қўйилганлигидан норозилиги, олдиндан ҳеч қандай тайёргарликсиз қилинган инқилоблар инсонларни сарсон-саргардон

<sup>3</sup> Раҳимова Г. Диний тасаввурлар бадиий тасвирда (Фитратнинг “Қиёмат” ҳикояси асосида) // Адабий мерос. – 1991. 1-сон, – 60 б.

қилишга олиб келиши ҳақидаги қарашлари Рўзиқулнинг қуйидаги кесатиқли сўзларида ўз ифодасини топган: "Бу қандай тартибсизлик? Шунча одамнинг "амал"ини тортмоқ учун биттагина тарози нима бўлади. Ўн-ўн беш тарози йўқми экан? Шунча буюк ишни бошлар эканлар, бурунроқ тайёргарлик кўрганда, бўлмасми эди? Буни қилмаганда ҳам, бир тартибот ўрнатиш керак эди".<sup>4</sup>

Ҳикояда рамзий қиёмат кунининг, унда қилинадиган барча ишларнинг мукамал тасвирланиши адибнинг диний амаллардан яхши хабардор эканлигидан далолат беради. У Шарқу Ғарбни, ислом дунёсининг сир-синоатларини пухта ўзлаштирган инсон эди. Бинобарин, унинг ислом тартиботларига масхараомуз фикр юритиши ва очликдан-очиқ шаккоклик қилишига ишониш қийин. Шу сабабли у жаҳолат қиличи чақнаб турган пайтда юзага келган янги турмуш, коммунистик мафкура устидан кулиш, ўзининг норозилигини англатиш мақсадида бадиий синтезнинг энг мураккаб шакли мафкуравий синтезга мурожаат қилиб гўзал асар яратдики, унинг асл моҳиятини ўз замонаси у ёқда турсин, ҳаттоки, ҳозир ҳам кўпчилик тўғри талқин қила олмай адибни "даҳрий"ликда айблаши мумкин.

Ҳикоя мафкуравий синтез асосида яратилганлигини эса эндигина айтмоқдамиз. Ижодкорнинг маҳоратидан англаниб турибдики, А. Фитрат бениҳоя даражада катта истеъдод эгаси бўлган. Унинг бадиий ижоди илмий асарлари каби умрбоқийликка мансуб. Бунинг учун адиб ва шоир Фитратнинг асарлари моҳиятини тўғри англаш, синчковлик билан ўрганиш талаб этилади. "Қиёмат"да ҳукмрон ғоя рамзийлик қобиғида яширин ифодаланган, сохта ва юзаки ғоя очиқ берилган. Бадиий синтезнинг бундай табиати жаҳон адабиётида азалдан мавжуд бўлиб, Фитратнинг "Қиёмат" ҳикояси улар билан беллаша олади.

Маълумки, ҳикоя жанри якка қаҳрамоннинг саргузаштлари асосига қурилади. "Қиёмат" ҳикоясида Рўзиқул Отабой ўғлининг фаолияти янги мафкуранинг мавжуд барча иллатларини фош этишга қаратилган. Аммо Фитрат ўз мақсадига эришиш учун ҳикояни икки қатламдаги воқеликда тасвирлаб, образни хасталик ва кўкнор сифатида кўрсатади.

Биринчи қатлам оғир инқилоб йилларини ўз бошидан кечираётган реал воқелик бўлса, иккинчи қатлам шўролар мафкураси ваъда қилган янги дунёдан иборат бўлиб, ҳикояда рамзий кинояли маънода у дунё сифатида тасвирланган. Демак, ҳикоя қаҳрамони икки қатламдаги макон ва замон ҳамда икки мафкура доирасида фаолият кўрсатиши лозим. Бу соғлом ва реал инсон учун имконсиз эди. Адиб ўз ниятини ёрқинроқ очиш учун ҳикоя қаҳрамонини кўкнори ва хаста шахс сифатида тасвирлайди. Чунки хасталик ҳамда кўкнор хумори кишини истаганча хаёл суриш ёки туш кўришга олиб келади.

Бир ҳикоя доирасида бир-биридан йироқ ва бир-биридан кескин фарқланувчи икки макон ва замоннинг тасвирланиши адабиёт тарихида кенг истифода этилиб келинган қолипловчи ҳикоя ичида ҳикоя қилиш усули воситасида амалга оширилган.

Реал макон ва замонда умргузаронлик қилаётган Рўзиқул хаста ва кўкнори хуморидан ухлаб қолади. Аммо у мархумлар оламида юз берадиган турли-туман

<sup>4</sup> Фитрат. Танланган асарлар. 1 жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 173 б.

нарсалардан хабардор эди. Шунинг учун ўлими олдидан Рўзиқул хотинига эски кўкнор халталаридан кафанлик қилишни васият қилади. Бу билан у сўроқ қилиш учун келган Мункар-Накирни чалғитишга ҳаракат қилади. Ҳикояда адиб янги дунёда истаган нарсани алдов йўли билан амалга ошириш мумкинлигига ишора қилади.

Адиб Рўзиқул билан малаклар ўртасида бўлиб ўтган мулоқотни халқона комизм билан суғорилган ҳолда қуйидагича беради: “Мункар-Накир афандилар бизнинг кўкнорини кўрқитғали калтакларини кўтариб:

– Тангринг кимдир? – деб сўрадилар.

Почамир кўрқмади-да, шошмади-да, кўзларини уларнинг кўзига тикди:

– Ўзи нима гап, ака? – деди.

Малаклар бу кунгача ҳеч кимдан бундай қаршилик кўрмаган эдилар, шошиб қолдилар.

– Бизлар Мункар-Накир бўламиз. Сенинг имонлими - имонсизми эканлигингни англамоқ учун келдик, қани, жавоб бер, – дедилар.

Почамир: сизларни ким юборди?

Малаклар: Тангри юборди, сўзни чўзма!

Почамир хўб қизиқ бир ишни кўрган каби шошиб сўзлади:

– Тангри юборган Мунакр-Накир бундан уч ой бурун келиб, мени сўроқ қилган эдилар-ку, сизлар яна нима деб келасиз?!

Мункар: Сен қачон ўлдинг? – деб сўради.

Почамир: Уч ой бурун ўлганман.

Малаклар: Ёлғон айтма!

Почамир: Кафанимни кўрмайсизми? Сарғайиб, чириб кетган, – деди. Уларга сўз бермаслик учун тез-тез гапириб берди: Биродарлар! Менинг қачон гўрга кирганим бирор дафтарга ёзилмағон, сизларга қаердан, қачон юборилганингизни билдирувчи бир мандат берилмаган, ҳар соатда биттангиз келиб одамни роҳатсиз қиласиз. Охиратнинг бутун ишлари шундай тартибсизми?

Малаклар бундай қаршиликни кўргач шошиб қолдилар, нима қилишларини билмай турдилар. Қайтиб кетмоқчи ҳам бўлдилар. Накир деган каттаси бирдан бақариб:

– Одам ўғли! Менга Тангридан ҳозир “илҳом” келди. Сен ёлғончисан. Бизларни алдамоқчи бўлибсан. Бизларни алдамоқ қулай, бироқ Тангрини алдаб бўлмас. Сен дунёда касал бўлиб ётганигда, хотинингга васият қилган эдинг; хотининг кўкнор халталарингни қураб, сенга кафан тикди. Кафанингдаги сариқлик шундан экан. Тез бўл, жавоб бер! – деб калтакни кўтаргач, Почамир бурунги туришини бузмай сўзлади:

– Тўхтангиз, Накир афанди! – деди. Тангри-ку, менинг уйимда хотинимга айтган сўзларимни билар экан, кафанимнинг кўкнор халталаридан тикилганини билар экан, менинг қачон ўлиб, қачон кўмилганимни ҳам билар экан, менинг имонлими-имонсизми эканимни билмадимми, сизларни нега юборадир?

Малаклар бу учли сўроққа жавоб бера олмадилар. Бу эрка қулининг ҳолини айтмоқ ёки бир дастуруламал сўрамоқ учун Тангри хузурига қайтдилар”.<sup>5</sup>

<sup>5</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 170-171 б.

Келтирилган парчада ижодкор томонидан қўлланган киноявий рух, масхаромиз оҳанг бир томондан айтилган сўзлар кўкнори нутқига хослигини англатса, иккинчи томондан адибни ўша давр мафкура посбонлари ҳукмидан сақланиб қолишига имкон берган.

Ҳикоядаги қиёмат тасвири фуқаролар уруши давридаги мамлакатда рўй берган вайронагарчилик ва тартибсизликларнинг, кишиларнинг оч, юпун аҳволда гуноҳу савобларини тарозида тортишга мажбуран ҳайдалиши эса инқилобдан кейинги тартиб назоратчиларининг рамзий тасвиридан иборат эди. Айниқса, тарозиға етиб бориш учун Рўзиқулнинг гапи билан одамларнинг “очират”га туришлари замон тартиботларини ўзига хос тарзда ифодаланишидан иборат эди.

Ҳикоядаги қил кўприк тасвири ўзининг моҳияти билан мафкуравий синтезнинг бош мезонини ташкил қилади. Бу дунёда қилинган қурбонликлар эвазига кишилар қил кўприкдан эсон-омон ўтиб олишлари мумкин. Мана шу ўринда кўкнори Рўзиқул нутқида қурбонлик қилинган қўйлар ҳалол пулга олинмаганлиги баён этилади: “Эй ука! Сиз бизнинг дунёмизни кўрмаган экансиз. Унда тўғрилиқ билан бир қўй пули топмоқ мумкин эмас. Мен шу сабилни ҳам ҳаром пулдан олган эдим.<sup>6</sup> Бу билан адиб реал ҳаётда ҳалол билан ҳаром ўртасида фарқ қолмаганлигига ишора қилади.

Ниҳоят Рўзиқул жаннатга ҳам етиб боради. Ҳикояда тасвирланишича, жаннат ям-яшил боғу роғлар, турли қимматбаҳо тошлардан қурилган иморатлардан иборат экан. У ўзига аталган уйга бориб жойлашади ва унга кўплаб хуру ғилмонлар хизмат қилишади. Энг муҳими, бу ерда киши нимани истаса, истаган нарсаи бир лаҳзада муҳайё бўлар эди. Ариқларда шарбат, сут, чоғир ва бошқа ичимликлар оқиб ётар, аммо чоғир кишини маст қилмас эди. Рўзиқул анча вақт еб-ичиб, айшу ишрат қилиб яшади. Жаннатда шунча нарса муҳайё бўлса ҳам, кўкнор кўринмас эди. Рўзиқул сайр қилиб юрар экан, ўсиб ётган гуллар ортида бир тўп кўкнорининг гуллаб ётганини кўриб қолади. У қувониб кетади ва унга қараб югуради. Оёғи остидаги чуқурни кўрмай тойиб кетади-ю, “воҳ” деб йиқилади. Ўзининг овозидан уйғониб кетади.

Абдурауф Фитрат қолипловчи ҳикояга қайтишнинг ўзига хос йўлини топади. Ўқувчи бу ёғи нима бўлар экан, деб ўйлаб турганда, адиб кутилмаган бир ҳодиса орқали бетакрор ечимга келади. Рўзиқул уйғониб кетгач, бошида йиғлаб турган хотинини кўради ва бўлиб ўтган воқеаларни ўзининг тушида кечганлигини англаб етади.

Ҳикоянинг икки хил макон ва замонда бир қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатини акс эттиришга бўйсундирилиши, айниқса, реал воқелик билан диний мифологик сюжетнинг уйғунлаштирилиши ўша давр ўзбек реалистик ҳикоячилиги учун бетакрор новаторлик эди.

Мафкуравий синтезнинг ушбу намунасида у дунё тасвирига бағишланган диний мифологик қисм доминантлик вазифасини ўтайди. Бу реал ҳаётда аранг кун кўраётган бечораҳол Рўзиқулнинг у дунёда фаоллашиши, ўрни келса тўғри, ўрни келса ёлғонлар билан ўз мақсадига эришиши адибнинг социализм деб аталмиш янги жамият устидан кинояли кулгисидан иборат эди.

<sup>6</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 176 б.



Диний мифологик воқеликка мурожаат этиш Абдурауф Фитрат ижоди учун анча қулайликлар келтирди. Биринчидан, у мазкур сюжет орқали янги тузум ва жамиятнинг ноқисликларини танқид қилишга эришди, иккинчидан, айти шу сюжет ўша давр сиёсати, мафкураси талаб этган худосизлар жамиятини барпо этиш ғоясига тўла мос тушган. Аммо зоҳиран диний тасаввурларни танқид қилишдан иборат бўлган мазкур сюжет ботинан адиб тушунчасида, онгида шаклланиб келаётган янги мафкурани тасдиқлашга имкон беради. Ҳикоянинг бундай тарзда қурилиши ижодкорни ҳам мафкуравий, ҳам диний тазйиқлардан муҳофаза қилди.

Абдурауф Фитрат ўзбек реалистик ҳикоячилигига кўкнори Рўзиқул образини киритиш билан бадиий асарнинг тасвирий имкониятларини бойитди. Кейинчалик кўкнори образи анъана сифатида бошқа ижодкорлар, хусусан, Абдулла Қаҳҳор томонидан қайта ижодий ривожлантирилган ҳолда қўлланилди. Бироқ ҳар икки адиб қаламида бу образлар бетакрор ҳолда намоён бўлган. Асл ижоднинг моҳияти ҳам шундаки, ҳақиқий истеъдод эгалари ягона бир образни ўз индивидуалликлари асосида ўхшамас тарзда янгилайдилар.<sup>7</sup>

---

<sup>7</sup> Қаранг: Храпченко М. Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – Москва: Советский писатель, 1970. – 22-23 с.